O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 28-iyun, payshanba * № 28 (779) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакилларини, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожи ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сиёсатни олиб бориш бўйича тўғри йўлни танлашда матбуот соҳасининг қўшаётган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мустақил фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга халақит бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Буни мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун аввалambor уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва ғоялар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида" ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакилларининг фаол иштирокида тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарори оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Албатта, ҳар қандай янгиланиш, ўзгариш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаётимизни, иқтисодиётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кундалик оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдида турган энг муҳим вазифаларни баҳолар эканмиз:

биринчидан, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга маҳлиё бўлмасдан, мақтанмасдан, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмасдан, аввалambor, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттириш талаб қилинади;

иккинчидан, ҳаммамизга аёнки, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга эришиш учун журналист ўзини аямасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

учинчидан, бундай юксак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

тўртинчидан, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, аввалambor, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётий принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир таклифни сизлар билан ўртоқлашишни жоиз, деб биламан. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни муддао бўлар эди.

Бунда айниқса таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйлайманки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш керакки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совутиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодиётимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказиши муқаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига холисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибори, айни пайтда масъулияти ҳам ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйлайманки, сиз, азизларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамиша қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди

Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллий оммавий ахборот воситалари ривожига қаратилаётган улкан эътибор соҳа ходимларидан янада фаоллик ва изланувчанликни, огоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган айни пайтда бу жиҳатлар янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур санага бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирга соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар, устоз журналистлар, барча турдаги оммавий ахборот воситаларининг ижодий ва техник ходимлари, ношир ва матбаачилар, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш қаламкашлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2011" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

1. **Шаҳзода Акбарова** *(Наманган вилояти) — "Аёл ва жамият" газетасининг махсус мухбири*

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, аёллар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар кенг ва таҳлилий ёритилган мақолалари учун.

2. **Сергей Левченко** — *"Народное слово" газетаси бўлим муҳаррири*

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барқарор иқтисодий, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган туркум материаллари учун.

3. **Йўлчи Муҳаммадиев** — *"Оқдарё овози" туман газетаси муҳаррири (Самарқанд вилояти)*

Вилоят ва туман миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги мақолалари учун.

4. **Комила Султонова** — *ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти муҳаррири*

Мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни барқарор таъминлаш, миллатлараро тотувлик, амалга оширилаётган янгиланишлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишга қаратилган кўрсатувлари учун.

5. **Гулнара Турдишова** — *"Қорақалпақстан жаслари" газетаси бўлим муҳаррири*

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга оид туркум мақолалари учун.

6. **Муҳаббат Тўрабоева** — *"Ишонч" — "Ишонч-Доверие" газеталарининг Хоразм вилояти бўйича мухбири*

Мамлакат таълим тизимида қўлга киритилган салмоқли ютуқлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган материаллари учун.

7. **Мукаддас Фаёзова** — *НТТ телеканали "Парламент соати" кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси*

Ўзбекистонда парламентаризмнинг шаклланиши, қонун ижодкорлиги, миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган туркум кўрсатувлари учун.

(Давоми 2-бетда.)

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳамюртларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб бораётганини таъкидлади.

Демократик талабларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини эркин ривожлантиришни, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминламоқда. Истиқлол йиллари мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони қарийб тўрт баробар ошди. 1991 йилда оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 395 та бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1250 тани ташкил этади. Мустақилликка қадар республикадаги мавжуд барча медиа тузилмалар – газета, журнал ва телерадиоканалларнинг муассислари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эди. Эндиликда юртимизда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг 60 фоиздан кўпроғи нодавлат тузилмалардир.

Соҳага кўрсатилаётган ғамхўрлик самарасида телерадиоканаллар фаолиятига замонавий рақамли ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юртимизда интернет журналистикасининг жадал равнақ топаётгани фуқароларнинг тезкор ахборотларга бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлашда, мамлакатимиз ҳаётига оид янгилик ва воқеалардан жаҳон жамоатчилигини ўз вақтида хабардор этишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий журналистикани замонавий асосда равнақ топтириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ишлари, телерадиоэшиттиришларга оид миллий қонунчилигимиз давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори барча медиа тузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Соҳа равнақи йўлида улкан имконият ва қулайликларнинг яратилиши, ушбу машаққатли ва шарафли касб эгалари меҳнатининг доимий эъзозланиб, рағбатлантирилиши ижодкорлардан фаоллик ва қатъиятни, ўз фаолиятига ҳаққоний, чуқур таҳлилий асосда ёндашишни, жамият, халқ, Ватан манфаатларининг том маънодаги ҳимоячиси бўлишни талаб этмоқда. Айни пайтда мустақиллигимизни, юртимиздаги барқарор ва осуда ҳаётни, турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорчиғидек асраб-авайлаш, жамият пойдевори бўлмиш оилаларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ёшларни миллий ҳаёт тарзимиз, маънавиятимизга ёт зарарли ғоялар, нохолис ахборотлар хуружи, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш вазифалари журналистлар олдига доимо маънавий уйғоқ бўлиш, жамият олдидаги масъулиятни янада теран англашдек улуғвор талабларни қўймоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили соҳа ходимларининг касб байрами арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови соҳада фидокорона меҳнат қилаётган, фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи ҳамкасбларимизни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолиб ва совриндорлари эълон қилиниб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Сўзга чиққанлар журналистлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари руҳлантириш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга катта ҳисса қўшаётган журналистлар тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ “ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2011” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(Бошланиши 1-бетда.)

8. **Роҳила Юсупова** — *ЎзМТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали Маданий, маърифий ва бадиий эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири*

Халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси, анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, уларни ёш авлод қалбига сингдириш, одам савдосига қарши кураш ҳамда ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш мавзуларига бағишланган туркум эшиттиришлари учун.

9. **Сарвар Ўрмонов** — *Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотоахборот таҳририяти фотомухбири*

Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, республикамизнинг халқаро сиёсат майдонидаги нуфузи акс этган фоторепортажлари учун.

10. **Жамолиддин Қаландаров** — *“Ёшлар” телерадиоканали ЁАЖ “Давр” ахборот дастурлари* бош муҳарририяти мухбири.

Юртимиз ёшларининг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида тутган ўрни, шунингдек, мамлакат ҳаётидаги долзарб воқеалар тезкор ва таҳлилий ёритилган кўрсатувлари учун.

ҚУЙИДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ ТАНЛОВНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИЛАР:

1. **Амрилло Авезов** *(Бухоро вилояти) “Овози тожик” газетасининг вилоят мухбири.*
2. **Холиёр Абдиев** *“Ёшлар” телерадиоканали ЁАЖ “Ёшлар” радиоканали мухбири.*
3. **Соҳибахон Абдураҳмонова** *(Фарғона вилояти) “Давр минбари” газетаси мухбири.*
4. **Баҳодир Абдураҳмон ўғли** *(Сирдарё вилояти) “Гулистон янгиликлари” — “Гулистанские новости” газеталари бош муҳаррири ўринбосари.*
5. **Чори Жумақулов** *(Сурхондарё вилояти) “Тиббиёт ва ҳаёт” газетаси бош муҳаррири.*
6. **Баҳром Мирзақобилов** *(Жиззах вилояти) “Келажак бунёдкори” газетаси масъул котиби.*
7. **Акмал Мўйдинов** *(Андижон вилояти) “Форум-ТВ” телеканали мухбири.*
8. **Жамшид Намозов** *Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети битирувчиси, ёш журналистлар клубининг интернет туруҳи аъзоси.*
9. **Садат Остонов** *(Қашқадарё вилояти) Жамоатчи мухбир.*
10. **Ғайрат Ширинов** *“Шарқ” нашриёт-матбаа компанияси “Шарқ зиёси” газетаси масъул котиби.*
11. **Фарҳод Эшмўминов** *“Гулхан” журнали масъул котиби.*
12. **Ҳамидулло Қарчиғаев** *ЎзМТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти шарҳловчиси.*
13. **Райҳон Қодирова** *(Навоий вилояти) “Учқудуқ” туман газетаси муҳаррири.*
14. **Жамбул Қурбонбеков** *(Тошкент вилояти) Ўртачирчиқ тумани “Машъал” газетаси бош муҳаррири ўринбосари.*
15. **Зокиржон Кўзибоев** *ЎзМТРК “Тошкент” телерадиоканали директори ўринбосари.*

Телемарафон

Ўзбекистон Электрон Оммавий ахборот воситалари Миллий Ассоциацияси томонидан Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ЁИҲ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоат фонди маблағларини бошқариш Парламент комиссияси билан ҳамкорликда «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» шиори остида «Соғлом оила — соғлом жамият» телемарафони ўтказилди.

Соғлом оила — соғлом жамият

Беш йилдан буён анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган медиафестиваль доирасида турли тадбирлар, матбуот анжуманлари, жонли мулоқотлар бўлиб ўтди. Дастлаб ҳудудий нодавлат телестанцияларда, сўнгра Ўзбекистон Нодавлат телеканаллари тармоғи (ЎзНТТ) канали ва Нодавлат радиоканаллар тармоғи (НРТ) орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оиланинг аҳамиятини кучайиришга оид туркум теле-радио материаллар эфирга узатилди.

Жорий йилги медиафестивалда қатнашиш учун ЎзЭОАВМАга аъзо нодавлат телерадиостанцияларда фаолият кўрсатаётган 94 та ижодий гуруҳ ва мустақил журналистлардан аризалар келиб тушган бўлиб, улар томонидан жами 257 та телемаҳсулот тақдим этилди.

Медиафестивали ғолиблари давлат, жамоат ва хорижий давлатлар ташкилотлари, элчихонлари вакилларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан тўртта йўналишда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан «on-line» усулида аниқланиб, уларга тантанали равишда диплом, статуэтка ва пул мукофотлари топширилди.

Шунингдек, фестивал давомида Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловининг электрон ва босма ОАВ йўналиши бўйича ғолибларига ҳам махсус сертификатлар топширилди.

Тадбир якунида ЎЗОАВМАга аъзо ҳудудий телестанциялар жамоалари ўзбек миллий шоҳона таоми — ош қилиш борасида беллашдилар. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Андижон ошларининг ўзига хос лаззатли таъми халқаро конференция иштирокчилари, хорижлик меҳмонлар, фестивал қатнашчилари ва Республика ошпазлар ассоциацияси экспертлари томонидан аниқланиб, юқори ўрин соҳиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мафтуна СУЮНОВА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

ASAKA BANK

Сизларга қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

«Оилага мадад»

Ушбу омонат оилангиз жамғарма маблағларини кўпайишига мадад бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**



Хизматлар лицензияланган

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	221-80-67
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

“ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК: БИР-БИРИГА ПЕШВОЗ ЧИҚИШ” ТАНЛОВИГА

Меҳнат бозори ва ёшлар

Ёшлар қалбини тўлдирган қувончни тушуниш мумкин. Олий ўқув юрти, коллеждаги сабоқлар тугади, бирлари магистр, бошқалари бакалавр ёки турли касб эгалари, энди олган билимлари асосида меҳнат фаолиятига киришадилар, жамиятда муносиб ўринларини эгаллашга ҳаракат қиладилар. Битирувчиларнинг деярли ҳаммаси қаерда ишлашларини ҳам биладилар, бу корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти ёки иш берувчи билан шартнома ҳам тузилган, кўплари бўлажак иш жойларида меҳнат амалиётини ҳам ўтаган.

Лекин... “Экономическое обозрение” журналида эълон қилинган таҳлилий мақолада қайд этилишича, икки йил аввал касб-ҳунар коллежларини тугаллаган ёшларнинг 92,1 фоизи ишга жойлашган, бироқ уларнинг ярмидан ками — 46,0 фоизигина таълим муассасасида эгаллаган касблари бўйича меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда Халқаро Вестминстер университетининг Тошкентдаги филиали битирувчиларининг 87,0 фоизи дарҳол нуфузли иш ўринларига жойлашганлар, қолганлари эса чет элларда ёки Ўзбекистонда таълимини давом эттиришган.

Бу рақамлар ортида ўнлаб, юзлаб ёшларнинг тақдири, орзу-умидлари ва ниятларининг бозор иқтисодиёти шароитида — меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф деб аталадиган қонун-қоидаларига ҳамиша ҳам мувофиқ бўлмаслиги турибди. Ҳолбуки, марказига кучли ижтимоий сиёсат қўйилган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтган “ўзбек модели” аҳолининг, айниқса уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган тоифаларини иш билан кафолатли таъминлашни назарда тутади.

Республикада давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар асосида йилига қарийб 1 миллионта янги иш жойлари ташкил этилмоқда, айниқса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан кафолатли таъминлашга доимий, биринчи даражали эътибор қаратилган. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор истиқбол режалари, меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлаш дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, **“мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, демографик жиҳатларига кўра, аҳоли бандлиги масалалари ўзининг долзарблиги ва ўткирлигини сақлаб қолмоқда”.**

Ушбу, ҳеч муболағасиз, жуда жиддий муаммони ҳал этишда бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг самарали воситаси — ижтимоий шерикчиликнинг аҳамияти катта. Ижтимоий шерикчилик жамият асосий гуруҳларининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадини кўзлаган ижтимоий муносабатларининг алоҳида тури, бозор иқтисодиёти ривожланишининг қонуний натижаси ҳисобланади.

Ижтимоий шерикчилик тизимида меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ижтимоий мулоқот — музокаралар орқали ҳал этилади. Бунда ўзаро муносабатлар қоидалари томонларнинг бири тарафидан тиқиштирилмасдан музокара барча иштирокчилари томонидан тенг ҳуқуқлилик асосида ишлаб чиқилади.

Ижтимоий шерикчиликнинг икки: бипартизм — иш берувчилар ва ходимларнинг ихтиёрий, томонларнинг мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида манфаатларини мувофиқлаштириш ҳамда трипартизм — ана шундай шерикчиликда давлат ҳокимияти вакиллари ҳам иштирок этадиган тури мавжуд. Бунда ходимлар манфаатларини уларнинг ваколатли ташкилоти — касаба уюшмалар, иш берувчиларникини — уларнинг уюшмалари, давлатникини — ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органлари ҳимоя қилади.

Ижтимоий шерикчиликнинг ривожланиш даражаси жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий етуклиги мезонидир. Шунинг учун унинг ҳозирги давр жамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаши бежиз эмас. Бу, энг аввало, техникавий-технологик омиллардир. Ижтимоий меҳнат муттасил мураккаблашиб бораётганлиги ва ишлаб чиқаришда ақлий меҳнатнинг роли кучаяётганлиги ёлланма ходимни оддий иштирокчидан чуқур билимли, ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам фаол иштирок этадиган ишбилармон ва ташабускор ходимга айлантиради. Бундай ходим корхонанинг самарали ишлашидан шахсан манфаатдордир. Натижада ишлаб чиқаришда малакали меҳнат ролининг кучайиши иш берувчи билан ёрдамчи ходим иқтисодий манфаатларини муайян даражада яқинлаштиради. Улар ўзаро муносабатларида юзага чиқадиган низоларни биргаликда, келишиш асосида ҳал этишдан манфаатдордирлар.

Бозор муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий омиллари ҳам ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйишни тақозо этади. Зеро, ҳозирги пайтда корхоналар меҳнат жамоаларининг катта қисми — оддий ходимлар, хизматчилар айни пайтда мулк эгалари — акциядорлар ҳам ҳисобланадилар. Шу сабабли улар корхона юқори самара билан барқарор ишлашидан манфаатдордирлар.

Ижтимоий шерикчиликка жамиятда сиёсий маданиятнинг ортиши, ходимлар манфаатларини ҳимоя қиладиган жамоат бирлашмалари ролининг кучайиши, аҳоли барча қатламларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатнинг шаклланиши ўз таъсирини кўрсатмоқда. Маълумки, фуқаролик жамиятида қонун устуворлиги умумэътироф этиладиган тамойил ҳисобланади. Жамият барча аъзолари, шу жумладан иш берувчилар ҳам, ёлланма ходимлар ҳам ўз фаолиятларини қонун асосида олиб боришлари шарт. Шунинг учун ҳуқуқий нуқтаи назардан ижтимоий шерикчилик — демократик ҳуқуқий давлат моҳиятидан келиб чиққан ҳолда томонларнинг ўзаро келишган ҳолда иш кўришларини тақозо этади.

Ижтимоий шерикчиликка аҳлоқий-психологик омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиийдир. Ҳозирги даврда ижтимоий-меҳнат бозорларини инсонпарварлаштириш ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш ва меҳнат шароитларига, меҳнатига яраша ҳақ тўланиши ҳуқуқни жамият томонидан тан олинишни назарда тутади.

Ўзаро келишувга келган барча томонлар ижтимоий шерикчиликдан ўзаро манфаатдордирлар. Иш берувчи ишлаб чиқаришга киритган сармояси тезроқ ва кўпроқ фойда келтириш мақсадини кўзлаши табиийдир. Аммо бунга меҳнат жамоаси барқарор ва иноқ бўлган ҳолатдагина эришиш мумкин. Шунинг учун иш берувчи ходимлар манфаатларини ҳам ҳисобга олиши, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнатига муносиб ҳақ тўлашни таъминлаши керак.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделини танлаган ҳар бир давлат ижтимоий шерикчиликка бевосита алоқадордир. Чунки ижтимоий шерикчилик ҳам давлат томонидан ўтказиладиган ижтимоий йўналтирилган сиёсатга таянади. Бундай шерикчиликда давлатнинг ижтимоий масъулияти унинг муҳим ижтимоий вазифаларидан келиб чиқади. Бундай давлатда жамиятда ниҳоятда бойлар ва ниҳоятда камбағаллар бўлишига йўл қўйилмайди. Давлатнинг ижтимоий сиёсатида бу бойликнинг бир қисмини аҳолининг кам таъминланган тоифаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун қайта тақсимлашни билдиради. Шу билан бирга давлат ўз маъмурий вазифалари — тадбиркорликни, янги иш жойлари яратишни рағбатлантириш, аҳоли умумий эҳтиёжларини қондириш чораларини кўради.

Ижтимоий шерикчилик деганда томонлар манфаатларини қўшиш эмас, балки иш берувчи барқарор фойда олиши, ходим муайян турмуш сифатига мос бўлган даражада меҳнатига ҳақ олишини таъминлайдиган келишув тушунилади. Шунинг учун ижтимоий шерикчиликни асосий мақсадлари аҳоли турли тоифалари гуруҳлари манфаатлари мутаносиб бўлишини таъминлаш, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал этишга кўмаклашиш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришдир.

Ўзбекистонда умумдавлат миқёсида мамлакат ҳукумати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва республика Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий шерикчилик асосида кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашга оид 2011-2013 йилларга мўлжалланган Бош келишув имзоланган. Шу билан бирга, касаба уюшмалари маълумотларига кўра, ижтимоий шерикчилик бўйича 85 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишув, 509 та ҳудудий-тармоқ келишуви ва 115 мингта жамоа шартномалари амал қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, касаба уюшмалар аъзолари меҳнатидан фойдаланадиган юридик шахсларнинг 91 фоизи ижтимоий шерикчилик жамоа-шартномавий муносабатлари билан қамраб олинган.

Мамлакатда ижтимоий шерикчилик орқали меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган ёшларни иш билан кафолатли таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қатор минтақаларда, хусусан Самарқанд вилоятида тажриба тариқасида Европа Иттифоқи Комиссияси ТАСИС дастурининг “Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик” лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳа ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида меҳнат бозори талабини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш учун давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими, Савдо-саноат палатаси, иш берувчилар, жамоат бирлашмалари ижтимоий ҳамкорлигини йўлга қўйишга йўналтирилди.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида тараққий этган давлатларда ёшларни касбга йўналтириш, уларга кафолатли иш ўринлари яратиш, малакали ходимлар тайёрлаш тажрибаси ўрганилди. Маълум бўлишича, масалан, Испанияда “меҳнат — касбий тайёргарлик” шартномалари амал қилар экан. Мамалакат қонунчилигига мувофиқ, 16 ёшдан 26 ёшгача бўлган ёшларни 2 йил муддатгача ишга қабул қилган иш берувчиларга ижтимоий тараққиёт жамғармасига тўловларида чегирмалар белгиланган.

Францияда касбий тайёрлаш мактаб тизимига асосланган экан. Бу ерда меҳнат фаолиятига киришаётган ёшлар мактабни тугаллаганда касбга лаёқатли эканликлари тўғрисидаги сертификатга ёки касб-ҳунар таълимини олганликлари ҳақидаги дипломга эга бўладилар. Улар аввал юқори малака талаб этмайдиган ишларда банд бўладилар. Бу мамлакатда ёшларнинг касбий тайёргарлиги тадбикорлар томонидан мазкур мақсад учун ажратадиган маблағлари ҳисобига шаклланадиган махсус жамғарма ҳисобидан молиялаштирилади. Иш берувчилар билан меҳнат шартномаси тузган ҳамда касбий тайёргарлигини давом эттираётганлар учун уларнинг таълим олишларини меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб боришларига кенг имкониятлар яратиб берилган.

Буюк Британия ва Бельгияда ҳозиргача кексалиги бўйича пенсияга чиқаётганлар бўшатиб бераётган иш ўринларини кафолатли равишда ёшларга тақдим этиш дастурлари амал қилади.

Самарқанд вилоятида ёшларни касбга йўналтириш ишларининг самарадорлигидан социологик тадқиқотлар натижасида таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкам ва тизимли эмаслиги аён бўлди. Касб-ҳунар таълими тизимидаги коллежларнинг битирувчилари меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлган ихтисосликларга эга эмасликлари ва малакалари даражаси пастлиги сабабли ўқишни тугаллаганларидан сўнг кўп ҳолларда иш топиш муаммосига дуч келадилар.

Олиб борилган таҳлиллар коллежларни тугаллаганларнинг қарийб ҳар учтасидан биттаси зарур иш кўникмаларига, 26,1 фоизи эса етарлича малакага эга эмаслиги оқибатида меҳнат бозорида рақобатбардош бўла олмаётганлигини кўрсатди. Шу билан бирга социологик тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 33,4 фоизи малака ошириш, 15,0 фоизи касбий таълим олиш имконияти йўқлигини билдирганлар.

Ёшлар ўртасида касбга йўналтириш ишларининг қониқарли эмаслигини уларга “Қайси фаолият тури Сизда кўпроқ қизиқиш уйғотади?” деган саволга олинган жавоблардан ҳам билиш мумкин. Яъни уларнинг кўпчилиги тижорат (17,0 фоиз), бошқарув (13,8), ҳуқуқшунослик (12,7), фан (7,7), тиббиёт (5,6) соҳаларини танлаш ниятларини билдирганлар. Шу билан бирга меҳнат бозорида ҳақиқатан иш кучига талаб мавжуд бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа соҳаларида ишлашга респондентлар ўртасидаги мойиллик жуда кам — ўртача 0,2-0,8 фоизни ташкил этди. Маълум бўлишича, улар томонидан у ёки бу ихтисосликни танлашга тенгдошлари, таниш-билишлари фикрлари сабаб бўлган.

Шунинг учун Самарқанд вилоятида 2008-2012 йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотига эга бўлган мутахассисларнинг сони минтақа меҳнат бозорида бу касб ва ихтисосликларга ҳақиқатан мавжуд талабдан 33,5 минг нафарга ортиқлиги аниқланди.

Европа Иттифоқи Комиссиясининг ТАСИС дастури лойиҳаси якунлари бўйича таълим муассасалари, иш берувчилар, жамоат бирлашмалари вакиллари томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида ёшларни касбга тайёрлаш, касб-ҳунар коллежлари ихтисосликлари ва ўқув дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритилди, меҳнат бозорида бевосита ёшлар учун қўшимча иш жойлари яратиш чоралари кўрилди.

Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, республика Савдо-саноат палатаси ҳудудий бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари негизида шу ердаги корхона, ташкилот ва муассасалар жалб этилган ҳолда ҳар ойда мунтазам равишда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш йўлга қўйилди. Коллежларни битирганлардан 150 нафарига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ўз бизнесини ташкил этиш учун 260,6 миллион сўмлик кредит ажратилди. “Уста-шогирд” анъанаси бўйича кам таъминланган оилалардан бўлган ёшлар учун 31,2 миллион сўм маблағ ажратилиб, улар меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлган касбларга ўқитилди. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ёрдамида 180 нафар ногирон ёшлар учун квоталанган, шу жумладан, касаначилик йўли билан янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вилоятда амалга оширилган лойиҳа самарали ижтимоий шерикчилик меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса ёшларни иш билан кафолатли таъминлашнинг таъсирчан воситаси эканлигини амалда исботлади.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журнали бош муҳаррири ўринбосари

Солиқ почтасидан

Имтиёз ва самара

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Қарорга кўра, белгиланган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар фойда ва мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўлови, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан 2012 йилнинг 1 январига қадар озод қилинган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги қарорига кўра, белгиланган имтиёзлар 2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврга узайтирилди. Албатта, бу юртимизда рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш, пировардида аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятини яратди.

Буни биргина туманимиздаги “Komol top” хусусий ишлаб чиқариш тижорат корхонаси, “Guldon Sharq Industrial”, “Fragrance world”, “Annur tex” масъулияти чекланган жамиятлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар мавжуд қулай тадбиркорлик муҳитидан самарали фойдаландилар ва ўз фаолиятларида самарали натижаларга эришдилар. Айни пайтда бу корхоналар белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлашлари билан ҳам ажралиб турибди.

Иззат ТАНГРИЕВ,
Учтепа тумани ДСИ бўлим бошлиғи

Тадбиркорлик ривожи учун имконият

Тадбиркорлик ҳар қандай мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутувчи омиллардан бири саналади. Бу борада, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг фаолиятини тез ва осон йўлга қўя олиши, меҳнат бозорига мослашувчанлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, республикамизда соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 июндаги «Хусусий тадбиркор юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги хусусий тадбиркорлар учун катта имконият яратди. Хусусан, қарорга кўра, улар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари кенгайтирилиб, матрицали принтерлар ва алфавит-рақам ёзадиган қурилмалар учун буёвчи тасмалар тайёрлаш ва қайта ишлаш, жисмоний ва юридик шахсларга махсус техникалардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш, хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини ижарага бериш сингари кўплаб қўшимча фаолият турлари киритилди. Энг муҳими, қарорда тилга олиб ўтилган рўйхат доирасида иш юритадиган тадбиркорлар эндиликда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Валихон ХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Миробод туман ДСИ бўлим бошлиғи

Навоий вилояти Навбаҳор иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоаси

мамлакатимиз қалам аҳлини, барча матбуотчиларни

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин. Қалби қайноқ, сўзи ўткир, оташнафас журналистлар ижоди бундан-да гуллаб-яшнайверсин.

ТАЛҚИН

Муносабатлар майдони

Дунё шиддатли тусда ўзгариб бормоқда. Техник тараққиёт тобора юксалмоқда. Жаҳонда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий воқеалар силсиласи дақиқа сайин янгиланиб турибди. Башарият экологик муаммолар гирдобида нажот изламоқда. Бугунги кун журналисти мана шу каби ҳаёт оқимлари билан баравар қадам ташлаши, унинг нафаси билан яшамоғи, талабларига ҳозиржавоб ва ҳамоҳанг ижод қилмоғи шарт бўлиб қолди. Зеро, омма журналистнинг хабари орқали она заминда бўлаётган ҳодисалардан хабар топади, элу-юртнинг ютуқларидан қувонади, ғам-ташвишларига шерик бўлади. Буюк файласуф Суқротнинг "сўз — бу сеҳр, куч ва қудрат" ибораси айнан журналистика соҳаси вакилларига қарата айтилган ҳикматдек жаранглайди. Олиб бораётган фаолиятининг масъулиятини чуқур ҳис эта олган ҳамкасбларимиздан бири эса ўз касбига баҳо бериб, шундай деган эди: "Агар тиббиёт ходими хато қилса бир инсоннинг умрига завол бўлади, ўқитувчи саводсиз бўлса, ўттиз-қирқ боланинг камолига зарар етказади, лекин журналистнинг биргина хатоси бутун жамият, минг-минглаб одамларга салбий таъсир қилади".

Истиқлолга эришгандан буён давлатимиз раҳбарининг ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами муносабати билан ОАВ ходимларига табрик йўллаши аънанага айланган. *"...Журналист меҳнатининг қадрини бу борада қобилият ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув учун кўз нури, юрак қўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва камчиликларга холисона ва танқидий баҳо бермаса, бошқа ким ҳам баҳо бериши мумкин? Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуқтаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда..."* Юртбошимизнинг бу таъриф ва тилаклари юртимиз журналистлари учун қўш қанот бўлмоқда, десак, асло муболаға бўлмайди. Ватанимиз тараққиёти, ёшларимиз камолотида, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлида эришаётган ҳар бир ютуқларимизда ва тинчлик-осойишталигимиз барқарорлигида оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўзига хос ҳиссаси бор. Журналистларимиз заҳматкаш деҳқон билан ёнма-ён далаларда ва баракали хирмонларда тер тўкмоқда, тадбиркорларга мадад бўлмоқда, кенг аҳоли ўртасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва мавжуд қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилмоқда, жаҳон майдонида рўй бераётган ҳодисаларни холисона ва ошкора халқимизга етказиб бермоқда.

Бу вазифаларнинг барчасини журналист ўзининг оддий кундалик иши деб билади.

Журналист учун воқеликни тез илғаши бугун заруриятга айланган. Тезкорлик ва маърифийлик ўзбек журналистикасининг икки қаноти!

Мамлакатимизда матбуот эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнидаги аҳамияти, ўрни ва таъсирчанлигини ошириш, юртимизда ва дунёда рўй бераётган воқеаларга ўзининг ҳаққоний ва холисона муносабатларини, шунингдек, эътироф ва эътирозларини билдириш, доимо янгиликка интилиб яшашлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар мавжуд, деб айта оламиз. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркин ва холисона фаолият юритиши учун катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили мамлакатимизда Халқаро матбуот эркинлиги куни, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа фидойиларининг меҳнатлари турли кўринишда тақдирланиши мана шу эътибор ва ғамхўрликларнинг юксак намунасидир.

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги *"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"* номли маърузаси, хусусан, "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш" бўйича белгилаб берган стратегик вазифалари оммавий ахборот воситалари учун яна бир муҳим даврни бошлаб берди.

Зеро, давлатимиз раҳбари ўз нутқида *"Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз"* деб, оммавий ахборот воситаларининг жамиятда тутган ўрни нақадар муҳим эканини аниқ кўрсатиб бердилар.

Тадбирда таъкидланганидек, Оммавий ахборот воситалари ҳар доим жамият тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий воситалардан бири бўлиб келган.

Юртбошимиз раҳнамолигида ўтган давр барча соҳалар қатори ОАВ учун ҳам серқирра ривожланиш палласи бўлди.

1991 йилда ОАВ умумий сони 395 та бўлган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1243 тани ташкил этади. Эътиборлиси шундаки, бугун телеканал, радиоканаллардан ташқари веб-сайтлар ҳам ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, соҳада энг тез ривожланаётган тармоқлар ҳам айнан электрон ОАВга тўғри келади. Ҳозирда мавжуд электрон ОАВ (ТВ, радиоканал, веб-сайт)нинг 86 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари бу заминда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида ҳамда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20 дан ортиқ ихтисосликлар бўйича фаолият олиб боради.

Бундай салмоқли ўзгаришлар шубҳасиз, соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасидир.

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот соҳасини тартибга солувчи ва истиқболини белгилаб берувчи бир қанча зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, улар ҳаётимизга кенг татбиқ этиб келинмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, юз бераётган жараёнлар шунчалик тез ва кенг қамров ташкил этмоқдаки, мавжуд қонунлар яна кўп йилларга хизмат қилиши учун айримларини қайта ишлаш, баъзиларига эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса янгиларини қабул қилиш заруратга айланди.

Ижодкорларга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан жуда катта имкониятлар яратиб берилган. Бугунги ўзгаришлар қалам аҳлидан ҳақиқий маънода ёниқ асарлар яратишни, ҳар жиҳатдан мукаммал публицистик мақолалар ёзишни талаб қилмоқда. Тарих учун арзимас вақт йигирма бир йил давомида Ўзбекистон янада навқирон ва гўзал қиёфага эга бўлди. Тошкенту Самарқанд, Андижону Бухорони қўя турайлик, ҳатто энг олис туманларимизда ҳам янги-янги иншоотлар бунёд этилиб, таниб бўлмас даражага етди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ОАВ ривожи, сўз ва матбуот эркинлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани барча қалам аҳли қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
фалсафа фанлари доктори

ЯХШИЛАР ЁДИ

Газетачиликда сўз, радиода овоз, телевидениеда тасвир муҳим аҳамиятга эга. Матн қанчалик ажойиб ёзилмасин, овоз қанчалик ширали бўлмасин, агар тасвир кўнгилдагидек бўлмаса, кўрсатув ёки лавҳа томошабин қалбидан жой ололмайди. Шундай тасвирлар борки, бу кадрлар сўзсиз сўзлайди. Таниқли тасвирчи Шуҳрат Мирзакаримовнинг олган лавҳаларида ҳам мазмун, сифат ва ҳаёт мужассам эди.

Тасвирида ҳаёт сўзларди

Ш.Мирзакаримов фотомухбирликдан иш бошлаб, матбуотда ўзининг сержило, таъсирчан фотолавҳалари билан элга танилган, жуда кўп оний лаҳзаларни тарихга муҳрлай олган. Республикадаги олти нафар олий тоифали тасвирчилардан бири сифатида «Ўзбекистон» телерадиоканалида узоқ йиллар фаолият кўрсатган. У ўз касбини жуда яхши кўрарди, ишидан, олган тасвирларидан мароқланарди. Ҳар бир кадрга юрагини қўшиб, меҳр билан тасвирга туширарди. Афсуски, моҳир тасвирчи бор-йўғи эллик баҳорни кўрди, холос.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси ташаббуси билан 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдидан олий тоифали тасвирчи Шуҳрат Мирзакаримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ёрдамчиси Зуфаржон Султонов Шуҳрат Мирзакаримовнинг ёрқин хотираси ҳамкасблари қалбида бир умр қолишини таъкидлади ва оила аъзоларига вилоят журналистлари номидан эсдалик совғани топширди. Шундан сўнг хотира кечаси вилоят телерадиокомпаниясида ҳам давом эттирилди. Йиғилганларга Шуҳрат Мирзакаримов ҳақида тайёрланган видеосюжет намойиш этилди.

— Теливидениеда тасвирчининг маҳорати муҳим аҳамиятга эга, — деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов. — Кўрсатув ёки лавҳадаги хотирада энг ёрқин қоладигани тасвирдир. Ана шундай бетакрор тасвирлари билан Шуҳрат Мирзакаримов ҳамкасбларига ҳам ўрнак бўларди. Самарали меҳнатлари ва касбига бўлган фидойилиги учун 2002 йилда у «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Аслида бир инсон учун халқнинг, ҳамкасбларнинг у ҳақдаги эътирофи энг катта мукофотдир. Шуҳратжон ана шундай ҳурматга лойиқ ишлар қилган, олган кадрлари ёш тасвирчилар учун ҳамиша маҳорат мактаби бўлиб қолади, — дейди фахрий журналистларимиздан Абдуназар Худойназаров.

Дарҳақиқат, Ш.Мирзакаримов қисқа умр кечирган бўлса ҳам ғайратли, замон билан ҳамнафас, етук тасвирчи ана шундай мақтагудек маҳорат мактабини ярата олди. Унинг тасвирлари ўз давридан узоқ йиллар сўз очаверади.

Соҳиба
АБДУРАҲМОНОВА



ДИЛ СЎЗИ

Қизилтепа тумани мустақиллик йилларида юз йиллик тараққиёт босқичини босиб ўтди, десак янглишмаймиз. Зеро, бу маскан сўнгги йигирма йил ичида она Ўзбекистонимизнинг фараҳбахш манзилларидан бирига айланиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнда мисли сиз юксакликларга замин яратди. Албатта, бу ютуқларда "Қизилтепа тонги" газетасининг ҳам муносиб улуши борлигини фахр-ифтихор билан таъкидлаш жоиз.

Ижодкорнинг бахти

Дарвоқе, газетхонни кенг мушоҳадага чорловчи ўқишли нашр бу. У ёлғондан қочиш, ҳаёсиз, олдиқочди гаплардан ўзини тийишдек хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ҳар куни таҳририятга ўттизга яқин киши ўзини қизиқтирган у ёки бу мавзуга муносабат билдириш учун кириб боради, хат-хабар қолдиради. Бу, ўз навбатида, газета ходимларидан ўта зийраклик, билимдонлик, ҳозиржавобликни талаб этади. Ана шу заҳматли ишда кичик жамоанинг катта ишлари юз очади.

Таҳририятнинг Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Самарқанд археология, Тошкент шарқшунослик, тарих, тил ва адабиёт институтлари, Бухоро давлат университети, Навоий педагогика ва Бухоро тиббиёт институтлари олимлари билан олиб бораётган кўп йиллик самарали ҳамкорлиги ўзининг беқиёс натижасини кўрсатиб келаётир. Олимларнинг долзарб мавзуларда ёзилган илмий-оммабоп мақолалари сондан-сонга ўтувчи китобча шаклида нашр этиб келинмоқдаки, бу тажриба газетхонлар эътиборини қозонмоқда.

— Мактаб ва коллежларда, меҳнат жамоаларида тез-тез учрашувлар ўтказишни йўлга қўйганмиз, — дейди муҳаррир ўринбосари Баҳодир Эгамов. — Бундан ташқари, жамоатчи мухбирлар фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтиришда ҳар йили 5-6 та мавзуда кўрик-танловлар ташкил этаяпмиз. Ғолиблар байрамлар ва бошқа оммавий тадбирларда шарафланиб, таҳририятнинг эсдалик совғалари билан мукофотланмоқда.

Ҳафтада бир марта қарийб ўн тўрт ярим минг нусхада чиқаётган кичик газетанинг оммавийлигини таҳририятга келаётган хатлардан ҳам билса бўлади. Ҳар куни турли мавзуларда 15-20 та мақола таҳририят папкасини тўлдириб турибди. Шу боисми, ҳар бир сонда 40-45 мавзудаги материаллар газета саҳифаларидан ўрин олади. Туман ҳаётига оид янгиликлар, таклиф ва мулоҳазалар, таҳлилий мақолалар, шеър, ҳикоя, ҳикматлар, очерк ҳамда суратли репортажлар, танқидий чиқишлар ташна газетхонлар қалбини тўлқинлантириб, уларни юрт равнақини мустаҳкамлашга ундаётир.

Газета бош муҳаррири — Раҳим Мақсудов зукко журналист ва ёзувчи, ўз юртининг ватанпарвари ва фидойиси, ташкилотчи сифатида эл ардоғини қозонган. Бу оташ қалам соҳибининг ахлоқ-одоб, тарихий, экологик ҳамда иқтисодий соҳаларга оид пафосли, долзарб чиқишлари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

"Олтин қалам" миллий мукофоти совриндори, "Ватан азиз, жасорат мангу" республика танлови ғолиби, газетачиликда ўзига хос тажриба тўплаган ижодкор Раҳим Мақсудов мақолаларида давр нафасини устакорлик билан сингдиришга бор билим ва тажрибасини сарфлаб келаётганлиги билан эъзозли. У очерк ва мақолаларини самимият ҳамда кўтаринкилик билан битиб, газетхон ҳукмига ҳавола этади. Бундан ташқари, унинг кўп вақтини Қизилтепа тарихини мукаммал ўрганишу тадқиқ этишга бағишлаётганлиги ибратлидир. Ана шу изланишу машаққатлар жараёнида унинг ҳаммуаллифлигида "Қизилтепа тарихидан лавҳалар", туманнинг кичик энциклопедияси номини олган "Қизилтепа тарихи" китоблари, шунингдек, "Эзгулик йўли", "Кичик қаламнинг оғир юки", "Ванғози: ўтмиш ва бугун", "Коригар Баҳром", "Қалб яраси" рисолалари ўқувчилар назарига тушган.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

ОАТ «АЛОҚА БАНК» САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан самимий қутлайди.

Ижод ва ҳаёт йўлингиз доимо нурафшон бўлсин. Барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин!

Республика таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши жамоаси



халқимизнинг кенг қамровли яратувчанлик фаолиятини астойдил ёритаётган матбуот ва оммавий ахборот воситалари заҳматкашларини касб байрами шодиёналари билан муборакбод этади.

Хонадонингиздан хотиржамлик, фаровонлик аримасин, азиз ижодкорлар!



Самарқанд вилоят Халқ таълими бошқармаси жамоаси

мамлакатимиз ижод аҳлини 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбдан табриклайди.

Барчангизга ижодий муваффақиятлар ёр бўлсин!



ДУНЁДА НИМА ГАП?

НЬЮ-ЙОРКДА ЖИНОЯТЧИЛИК КЎПАЙМОҚДА

"New York Post" газетасининг хабар беришича, Нью-Йоркда сўнгги 18 йил ичида жиноятчилик кўпайган. Хусусан, кўчалардаги ўғриликлар, жинсий тажовуз ва ўқотар қуроллардан яраланиш ҳолатлари сони тобора ортиб бормоқда.

Нью-Йорк полициясининг таъкидлашича, 2011 йил билан солиштирганда, жорий йилда жиноятлар сони 4,2 фоизга ортган. Жумладан, 1586 та жинсий характердаги жиноятлар, 695 та ўқотар қуроллардан яраланиш ҳолати, шунингдек, 17916 та катта миқдордаги ўғриликлар рўйхатга олинган.

Жиноятчиликнинг ўсишига "тўхтат ва тинт" дея аталмиш амалиётнинг сусайгани сабаб бўлди, деб қаралмоқда. Бундан ташқари, жиноятчиликнинг авж олишига шаҳар кўчаларида полиция ходимларининг камлиги ҳам яна бир омил сифатида кўрсатилмоқда.

Қизиғи шундаки, статистик маълумотлар жиноятчиликнинг бошқа турларидаги кўрсаткичлар анча пасайганини кўрсатди. Масалан, қотиллик 15,6, машина ўғрилаш ҳолатлари 11,3 фоизга камайган.

КОНСТИТУЦИЯ 10 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА СОТИЛДИ



Жорж Вашингтонга тегишли АҚШ конституцияси Нью-Йоркдаги Christie's кимошди савдосида салкам 10 миллион долларга сотилди. Бу ҳақда "France-Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Китоб шаклидаги конституция 2-3 миллион долларга баҳоланади, дея тахмин қилинганди. Аммо кимошди савдоси чоғида уни қўлга киритиш илинжида бўлганлар ўртасида кураш жиддий тус олди ва китоб 9,82 миллионга сотилди. Ж.Вашингтон шахсий қароргоҳини сақлаш билан шуғулланиб келадиган Маунт-Вернон аёллар ассоциацияси китобнинг янги эгасига айланди.

Ассоциация вакили Энн Букаутнинг таъкидлашича, конституция китоби келгуси йили Маунт-Вернонда очилиши кутилаётган Жорж Вашингтон кутубхонасига кўргазмага қўйилиши режалаштирилмоқда.

Китоб 1789 йил Ж.Вашингтоннинг буюртмасига асосан чоп этилган бўлиб, нашрнинг бир нечта саҳифасида АҚШнинг илк президенти қалами билан қўйган белгилар сақланиб қолган.

"ROCHE" ДОРИЛАРИ ТУЗАТАДИМИ Ё ЎЛДИРАДИМИ?

"France-Presse" агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, "Roche" фармацевтика компанияси ўз маҳсулотларининг ножўя таъсири ҳақидаги маълумотларни яширганликда гумон қилинмоқда.

Буюк Британиянинг дори-дармон маҳсулотларини қўллаш бўйича назорат қилувчи агентлиги мутахассисларининг текшируви чоғида компания фаолиятидаги камчиликлар юзага чиқди. Экспертлар 1997 йилдан буён АҚШда "Roche" компаниясига тегишли турли хил дориларнинг қўлланилгани ҳақидаги 80 мингдан ортиқ ҳисоботлар борлигини аниқлашди. Ушбу ҳисоботлар орасида 15 мингдан ортиқ кишининг ўлими тўғрисидаги маълумот ҳам топилди. Аниқланишича, компанияга ўлим тўғрисидаги келиб тушган маълумотлар таҳлил қилинмаган, яъни "Roche" ходимлари мижозларнинг ўлимига дори воситалари сабаб бўлганми ёки улар ўз ажали билан ҳаётдан кўз юмганми, бунинг тагига етишмаган. Қолаверса, компания бу маълумотларни назорат органларига етказмаган.

21 ЁШГАЧА ТУРМУШ ҚУРИШ ТАҚИҚЛАНДИМИ?

Россияда эрта турмуш қуриш маън этилиши мумкин. Мамлакат адлия вазирлиги оила тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритишга тайёрланмоқда. Бундан буён россияликлар 21 ёшдан бошлаб турмуш қуришлари эҳтимоли бор.

"Российская газета" нашрининг ёзишича, қонундаги ўзгартиш ва қўшимчаларни мамлакат адлия вазирлиги эмас, балки ҳуқуқшунос-олимлар ишлаб чиқмоқда. Вазирлик эса улардан келиб тушаётган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш билан банд. Қонун лойиҳаси устида ишлаётганлар ҳозир ёшлар оилавий ҳаётга тайёр бўлмай, ота-оналик масъулиятини ҳис этмай туриб, турмуш қуришаётгани нотўғри эканлигини таъкидлашмоқда.

Айни вақтда Россияда 18 ёшдан бошлаб турмуш қуришга рухсат берилади. Аммо истисноли вазиятларда турмуш қураётганлар илтимосига кўра, эрта никоҳ қуришга қаршилик кўрсатилмайди.

МАРСДА СУВ БОР



Марс сайёраси қобиғида ҳам худди Ердагидай миқдорда сув молекулалари мавжуд. Вашингтондаги Карнеги университети астрогеологлари 2 та шерготтит-метеоритлар кимёвий таркибини текшириб кўргач, шундай хулосага келишди.

Олимлар 2,5 миллиард йил олдин Марс қобиғида юзага келган шерготтитларни махсус асбоб ёрдамида текширишганда, метеоритнинг 1 килограммида 70-300 миллиграмм сув борлиги аниқланди. Ерда эса бу кўрсаткич 50-300 миллиграмгача бўлади.

Шерготтитлар жуда кам учрайдиган метеорит турига киради. Ерда шу вақтгача 34 та ана шундай кўринишдаги тошлар топилган. Улар қачонлардир Марснинг бир бўлаги бўлган, аммо сайёра қандайдир астероид ёки метеорит билан тўқнашиб кетгач, бу бўлаклар коинотга ажралиб чиққан.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Фарғона Вилоят касаба уюшмалари Бирлашмаси кенгаши

Ватанимиздаги барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан чин юракдан табриклайди.

Юртимизда кечаётган тарихий ислоҳотлар, ҳаётимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларни кенг ёритишда ҳар биригизга толмас куч-қувват ва жўшқин илҳом ҳамроҳ бўлсин!



«Қува деҳқон бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

касб байрамини нишонлаётган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини қутлуғ айём билан табриклайди.

Олижаноб ва сермашаққат меҳнатингиз юзингизни ёруғ, дилингизни чароғон қилсин. Кўтаринки руҳ, самимият, оилавий бахт-саодат ҳамиша йўлдошингиз бўлсин!





Бухоро вилояти Ромитан тумани давлат солиқ инспекцияси жамоаси

мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ижод аҳлини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбдан муборакбод этади.

Ҳамиша толеингиз баланд, ҳаёт йўлингиз равон ва сермазмун бўлсин, азиз ижодкорлар!



БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Ишончнома расмийлаштирилади

— Вояга етмаган фарзандим халқаро мусобақада қатнашиш учун хорижий давлатга чиқмоқчи. Бунинг учун нотариал тартибда қандай ҳужжатлар тасдиқланади?

Э.Эгамбердиев
Тошкент шаҳри

Бундай ҳолларда Фуқаролик кодексининг 129-моддасига асосан вояга етмаган фарзанднинг ота-онаси нотариал идорага бориб, хорижга олиб кетиш ва қайтариб келишга масъул этиб белгиланган шахс номига ишончнома расмийлаштиришади. Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи, санаси, ишонч билдирувчи ва ишончли вакилнинг фамилияси, исми (паспорт маълумотлари), доимий рўйхатга олинган манзили, ишончли вакилга берилаётган ваколатлар доираси кўрсатилиши керак. Ўз навбатида, ишончли вакил ҳам ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Шунингдек, бу шахсдан кафиллик хати олинади ва нотариал тартибда тасдиқланади.

Саволга Шайхонтоҳур туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси Маъмура НИЁЗОВА жавоб берди.

Давлат божи қанча?

— Чет элда ишлаб чиқарилган автомашина сотиб олгандим. Унинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун нотариал идорага борганимизда, нотариус чет элда ишлаб чиқарилган автомашиналар учун давлат божи ўзимизда ишлаб чиқарилганларига нисбатан кўпроқ эканлигини айтди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Д.Азимов
Олмалиқ шаҳри

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юк ва енгил автотранспорт воситалари, жумладан, автобус, трактор, ўзи юрар машиналарга ҳар бир от кучи учун давлат божи ставкаси 3 йилгача энг кам иш ҳақининг 10 фоизи, 3 йилдан ортиқ энг кам иш ҳақининг 7 фоизи, 7 йилдан ортиқ энг кам иш ҳақининг 5 фоизи олинади. Чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситасига эса ҳар бир от кучи учун давлат божи ставкаси 3 йилгача энг кам иш ҳақининг 30 фоизи, 3 йилдан ортиқ энг кам иш ҳақининг 20 фоизи, 7 йилдан ортиқ энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида белгиланган.

Агарда юқорида айтилган шартномалар эр-хотин, ота-она, фарзандлар ва неваралар, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасида расмийлаштирилса, давлат божи энг юқори миқдорнинг 5 фоизини ташкил этади.

Олмалиқ шаҳар ДНИ нотариуслари Гўзал ИСОҚЖОНОВА, Фаррух ШАРИПОВ жавоб берди.

Ўғли сотганди, отаси даъво қиляпти...

— Яқин қариндошимиз анча йиллар олдин дом-дарақсиз бўлиб кетган эди. Оиласи уни кута-кута, умид бўлмагач, аза очди. Мол-мулкини эса фарзандлари тақсимлаб олишди. Кичик ўғли ўз улуши бўлган боғни менга сотди. Аммо ўша қариндошимиз яқинда қайтиб келди. Ҳозир менга боғимни қайтариб берасан, деб даъво қилмоқда...

Б.Раззоқов
Тошкент шаҳри

Фуқаролик кодексининг 37-моддасига асосан вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлган тақдирда, уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади. Шундан кейин у ҳар қандай шахсдан бепул ўтиб қолган мол-мулкини ўзига қайтариб беришни 3 йил мобайнида суд орқали талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга, агар вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулки унинг ворислари томонидан учинчи шахсга сотилган бўлиб, бу шахслар харид нархини фуқаро қайтиб келган пайтгача батамом тўламаган бўлсалар, бу ҳолда тўланмаган суммани талаб қилиш ҳуқуқи ҳам унга ўтади.

Агар вафот этган деб эълон қилинган шахснинг мол-мулки бўйича мерос ҳуқуқи давлатга ўтган ва сотиб юборилган бўлса, фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилингандан кейин унга мол-мулкни сотишдан тушган пул берилади.

Саволга Олмазор туман ДНИ нотариуслари Гулруҳ АЗИМОВА, Камола СОИПОВА Раҳима ЖЎРАЕВА жавоб берди.

Васиятномамни ўзгартиришим мумкинми?

— Ўзимга тегишли уй-жойни катта неварамга мерос қилиб, васиятнома ёзган эдим. Лекин васиятномани расмийлаштирганимиздан кейин унинг менга нисбатан аввалги ғамхўрлиги, муносабати ўзгариб қолди. Шу сабабли ҳовли-жойимни бошқа бировга мерос қилмоқчиман. Аввалги васиятномамни ўзгартиришим ва меросхўрнинг кимлигини ҳатто нотариус ҳам билмаслиги мумкинми?

Усмон Мамадалиев
Янгийўл тумани

Ҳа, албатта. Амалдаги қонунларимизга кўра, васият қилувчи истаган пайтида ўз васиятномасини бекор қилишга ёки унда мавжуд бўлган айрим кўрсатмаларни янги васият тузиш орқали бекор қилишга, васиятни ўзгартиришга ҳақли.

Иккинчи саволингиз, яъни васиятномани барчадан, шу жумладан нотариусдан ҳам сир тутиш истагингизга келадиган бўлсак, бунда Сизнинг хоҳишингизга кўра, васият нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан, махфий равишда тасдиқланади. Бу жараёнда васиятнома васият қилинувчининг ўз қўли билан ёзилиб, шахсий имзоси билан тасдиқланади ҳамда гувоҳлар ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб елимланади. Гувоҳлар исм-шарифлари ва тураржойларини кўрсатган ҳолда, ушбу хатжилдга имзо чекканларидан сўнг у яна бир бошқа хатжилдга солинади, елимланади ва тасдиқланиб, устхати ёзиб қўйилади.

Саволга Зангиота туман ДНИ нотариуслари Ҳабибулла ПЎЛАТОВ, Гўзал ХЎЖАЕВА жавоб берди.

Одам савдоси жабрдийлари

— Ҳозир одам савдосидан болалар ва аёллар кўп жабрланмоқда. Бу борада қонунчилигимизда болаларга нисбатан, бола ҳуқуқларига нисбатан қандай ҳуқуқий нормалар назарда тутилган?

К.Мирзаев
Тошкент шаҳри

Амалдаги қонунчиликка кўра, ихтисослаштирилган муассасаларининг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туриши керак. Бундан ташқари, уларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади. Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган ёки ўз оиласи турган жойдан бехабар бўлса, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни топиш чоралари кўрилади.

Саволга Сирғали тумани 6-сонли нотариуси Холида САИДОВА жавоб берди.

МАШҲУРЛАР КУТУБХОНАСИДАН

РОВИЙ БОБО

Сўнгги йилларда ўзбек адабиётига эпик баённинг янгича тур ва шакллари кириб келди ҳамда бадиий нутқ тизими таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Шулардан бири воқеа-ҳодисаларни ҳикоячи-ровий нутқи орқали баён қилишдир. ("Ровий" арабча сўз бўлиб, "ривоят қилувчи", "қиссахон", "ҳикоячи", "бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида ахборот берувчи" деган маъноларни англатади.)



Ҳозирги пайтда бу нутқ шаклидан маҳорат билан унумли фойдаланаётган адибларимиздан бири Худойберди Тўхтабоевдир. Ёзувчи ўзининг илк асари "Сариқ девни миниб"даёқ баённи монологик нутқ типининг биринчи шахс — "мен" тилидан олиб бориш усулига мурожаат қилган эди. Шундан кейинги асарларининг аксариятида адиб шу йўлдан кетганини кўриш мумкин. Жумладан, "Мунгли кўзлар" романининг бош қаҳрамони Зафаржон ўзининг "Аччиқ тақдири гоҳи чарақлаган, гоҳо булутли ўтган кунлари" тўғрисида ўқувчи билан юзма-юз туриб суҳбатлашса, яна бири — "Беш болали йигитча" номини олган Орифжон укалари ва онасининг уруш йилларидаги оғир, машаққатли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Ё "Ширин қовунлар мамлакати ёки сехргарлар жанги" асарини оламизми, "Жаннати одамлар"ними, уларнинг барчасида ёзувчи монологик нутқ типининг овозли (ташқи) турига оид уч хил шаклидан унумли фойдаланганига гувоҳ бўламиз. Аммо бу асарлардаги ҳикоячиларнинг қиёфаси ҳам, вазифаси ҳам бир-биридан фарқ қилади. Агар "Жаннати одамлар" романидаги ҳикоячи "мен" ровий қиёфасида очиқ намоён бўлса, бошқаларида биринчи шахс ҳикоячи, яъни қаҳрамон ўқувчи билан билвосита мулоқотга киришади.

Эътибор берилса, Худойберди Тўхтабоевнинг болалар, ўсмирлар ҳаётига бағишланган барча асарлари "мен" номидан ҳикоя қилиш асосига қурилган. Бу усул ёш ўқувчиларнинг асар воқеалари ичига чуқурроқ ва осонлик билан киришига, ҳикоячи-қаҳрамон билан ҳам, бошқа персонажлар билан ҳам бевосита яқиндан танишувига қулай имконият яратади. Агар севимли ёзувчимизнинг "Қиз талашган ўсмирлар" номли саргузашт-романини оладиган бўлсак, унда адибнинг бошқа асарларидан фарқли ўлароқ, ҳикоячи-ровий ўзини образ сифатида очиқ, бемалол ва аниқ намоён қила олганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Адиб баёнда ҳам ўзини ғоятда эркин тутади, худди асар қаҳрамонларининг тенгдоши (17 яшар), дўстидек мулоҳаза юритади. Ровий асар персонажлари билан ёнма-ён юриб, бирга ҳаракат қилаётгандек, уларнинг ҳар бир қадамини, хатти-ҳаракатини кузатиб юргандек таассурот қолдиради ўқувчида. Аммо уларнинг фаолиятига, воқеалар йўналишига мутлақо аралашмайди, холисона фикр юритади. Бу хусусият уни ўқувчига янада яқинлаштиради.

Мазкур ижод маҳсулида ҳикоячи-ровий нутқи шу даражада эркин ва ҳаяжонлики, унинг ҳикоясидаги баъзи етишмовчиликлар, қаҳрамонларнинг режалари ва ишлари ҳеч қандай тўсиқсиз, осонлик билан амалга ошаётганлиги, персонажларнинг фақат ижобий томонларини, ютуқларини кўриб, қийинчиликлар, ўзаро тортишувлар, қарама-қаршиликлардан кўз юмиб ўтаётгани ҳам ўқувчига эриш туюлмайди.

Асар воқеалари "бир томони адирли тоғларга, яна бир томони чўлларга улашиб кетадиган Тагоб қишлоғида" бўлиб ўтади. Маконнинг кенглиги ва гўзаллиги Вақт (Замон) омилига ҳам боғлиқ. Ёзувчи ўқувчига ўзи яхши билган Тагоб қишлоғидаги одамларнинг "Оллоҳ бу юртга мустақиллик деган неъматни ато қилгандан" кейинги ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилиб беришни мақсад қилиб олган. Шунингдек, адиб ўша ерлик Йўлдошхон исмли ўқувчи амалга ошираётган ажойиб тадбиркорлик ишлари тўғрисида ҳикоя қилишни ҳам мақсад қилган. Ровий — Худойберди Тўхтабоев уни ўз туғишганидек яхши кўради, йигитчанинг ҳар бир қилиғи, ҳаракати, гап-сўзи ва мимикаси, ҳатто кулишидан ҳам фазилат қидиради ва ўқувчига етказади. Йўлдошхон ўзининг ташқи кўриниши билан ҳам тенгдошларидан фарқ қилади: "Тенгқурларига қараганда хиёл новчароқ, тик қоматли, буғдойранг юзли, юзи, кўзлари ловуллаб ёниб турадиган ғоят кўркам, ғоят гўзал бир йигитча"дир. Қаҳрамоннинг портретида ёзувчи қўллаган сўзларга эътибор беринг: унинг "Тенгқурларига нисбатан хиёл новчароқ"лигидан кейинги тасвирлар қиз боланинг қиёфасига хос белгиларни англатмаяптими? Бунинг устига унинг тик қомати, буғдойранг юзли экани-лигидан, кўзлари ёниб туришидан ташқари яна "ғоят кўркам, ғоят гўзал" деб таърифланиши ортиқчадек туюлади. Шундай ўйлайсиз-у, мабодо, ҳикоячи Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини ўқиган бўлса, Йўлдошхонни "улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган қора кўзлик, мутаносиб қора қошлик" Отабек акасига ўхшатиб тасвирлашни истадимикин, деб ҳам ўйлаб қоласан, киши. Бунга асос ҳам бордек, назаримизда. Буни қарангки, Отабек ҳам, Йўлдошхон ҳам тадбиркорлик билан шуғулланадилар. Иккови ҳам савдо иши билан узоқ шаҳарларга борадилар ва бу ерда тасаввурида яратиб юрган гўзал маъшуқага учрайдилар. Аммо замон бошқа, макон бошқа бўлганлигидан икковининг тақдири бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Йўлдошхон мустақиллик даврининг фарзанди сифатида ўзини ниҳоятда эркин, бемалол ва мағрур тутади. Ниятларини амалга ошириш йўлида у ҳеч қандай тўсиққа учрамайди, қийинчиликни бошидан кечирмайди. Ёзувчи бу муваффақиятли юришнинг иккита муҳим асосига ишора қилади. Биринчиси, Йўлдошхон гўдаклигида Хизр бобо билан учрашган. Унинг ўргатиши туфайли "анжир" сўзини айтиб тили чиқади, ҳам анжирга ишқи тушиб, боғ ташкил қилади ва кўп ҳосил етиштириб бойиб кетади. Иккинчи асос эса бу мустақиллик туфайли яратилган имкониятлардир.

Хуллас, Худойберди Тўхтабоев мустақил мамлакатимизни гуллатиш, фаровон турмушни барпо этиш учун тинмай уринаётган, ҳам ишни, ҳам ишқни дўндираётган ёш авлоднинг мурод-мақсадига етишини ният қилиб, қўлига қалам олганлигини ровий нутқи орқали эҳтирос билан илгари суради. Буни, айниқса, ҳикоячи-ровий томонидан олти жуфт ошиқ ва маъшуқанинг тўйи маросимини ниҳоятда кўтаринки руҳда батафсил тасвирланишида ҳис қилиш мумкин. "Ҳа... Тагоб Тагоб бўлгандан буён бунақа қувончни, бунақа шодиёнани кўрмаганди! Ўша куни тўйда мен ҳам бор эдим, — деб ҳикоясини якунлайди ровий асар сўнггида ўзини янада очиқ намоён этиб. — Гоҳ у даврага, гоҳ бу даврага келиб хурсандчиликка кўшилдим. Паҳлавон Нурлан оға ўн икки ёғоч бочкада қимиз келтирган экан, ҳали базм бошланмасданоқ қимизхўрлик бошланиб кетган эди. Мен ҳам ёшларга қўшилиб гоҳ унисидан ичдим, гоҳ бунисидан ичдим. Қаранг, қимиз ҳам маст қиларкан, тўсатдан ёшларга қўшилиб ўйинга тушиб кетганимни билмай қолдим..."

Қисқаси, бадиий нутқ поэтикасига оид муаммоларни тадқиқ этиш учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг ҳар бир асари етарли материаллар бера олади. Бу эса келгусида адабиётшунослигимизнинг жиддий тадқиқотлар олиб боришини тақозо қилади.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

Муҳаббатга йўғрилган гўша

Эркак ва аёлнинг ўзаро меҳр-муҳаббатидан оила аталмиш муқаддас дарахт униб чиқади. Унинг қай даражада гуллаб-яшнаши кейинчалик юз берадиган воқеаларнинг қандай кечишига боғлиқ. Агар икки томон ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри қарор чиқарса, олам гулистон. Яъни ҳар ким ўзининг дунёқараши, интилишларидан ташқари жуфтининг ҳам ўзига хос орзу-умидлари, ҳиссиётлари борлигини ҳисобга олса, оила тинч-тотув, фаровон бўлади.

Аксарият ҳолларда эркаклар: "Оилада фақат менинг айтганим бўлиши керак, хотинга қулоқ солсам, бошимга чиқиб олади", — деган фикр билан иш юритади. Бу унчалик ҳам тўғри эмас. Аёлининг оила келажаги учун фойдали маслаҳатларига қулоқ тутиш эркак унга муте бўлиб қолди, дегани эмас. Оила бошлиқлари бекаларнинг тўғрисини тўғри, деб, нотўғри гапирганда эса: "Йўқ, бунақаси кетмайди, бу гапингни бир айтдинг, бошқа эшитмай", — деб шарт кесиб, нега нотўғрилигини икки оғиз изоҳлаб қўйишнинг қийин жойи йўқ, аслида. Аёлнинг хатосини кўрсатиб, тушунтириш ҳисоб бериш эмас, аксинча, уни тўғри йўлга бошлаш, оила муҳитига мослаб тарбиялашга киради. Бу вақтида бажарилмаса, ўз фикрининг хатолигини англаб етмаган аёл уни қандай қилиб бўлса-да, амалга оширишга ҳаракат қилаверади.

Инсон борки, ҳаётда унинг ўз дунёқарашига мос режалари, мақсадлари, орзулари бўлади. Ҳаёти давомида у ана шуларга талпиниб, умид билан яшайди. Шу йўлда учраган тўсиқларни олиб ташлашга интилади. Аёлларнинг табиати кўнувчанроқ, аммо улар ҳам бирига кўнар, иккинчисига кўникишга ҳаракат қилар, кейин эса... Ҳар қадамда тўсиққа учрайверса, макр юзага келади. Кўпинча эркаклар шу тахлитда аёлларининг макр ишлатишига ўзлари йўл бериб қўйишади.

Таниқли адиб Омон Мухтор шундай ёзади: "Шарқда аёл макри тўғрисида шунча кўп ёзилганки! "Минг бир кеча"ни эслайсизми, Саъдийними?! Лекин макр аёл учун ўзини ҳимоя қилиш қуролларидан бири бўлса керак". Эътибор беринг, аёл макри нега айнан Шарқда кўп учрайди? Сабаби, мусулмон оламида оила ҳамиша муқаддас бўлиб келган. Азал-азалдан эр-хотин ўртасида вужудга келган зиддиятларни бартараф қилиб, имкон борича оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Масалан, Ғарбда эр-хотиннинг фикри бир-бирига тўғри келавермаса, муаммо ажрашиш билан ҳал этилади. Хўш, Шарқ аёли зиддиятлардан қандай қутулади? У бир ўқ билан икки қуённи уради. Сездирмай макр либосини кийиб олади-да, шу орқали ўз қарашларини ҳимоя қилиб бориш билан бирга оилавий бўҳронларнинг олдини олади.

Оила бошлиғи бўлган эркакни қуёшга, аёлни эса она заминга қиёслашимиз мумкин. Ер туну кун қуёш атрофида парвона бўлиб айланади ва ўз навбатида, қуёш ҳам ҳамиша уни бир маромда ўз нурлари, ҳарорати билан сийлаб, ҳифзу ҳимоятида сақлайди. Буни қарангки, қуёш тизимидаги сайёраларни фақат ўз атрофидан айлантириб қўйиш билан чекланмайди, балки уларнинг ички эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиб, ўз ҳолларича эркин ҳаракат қилишларига, яъни ўз ўқлари атрофидан ҳам тартиб билан айланишларига йўл қўйиб беради. Бундай адолатли бошқарувни инсонлар орасида фақат тарбияли, зиёли, маданиятли эркакларда кўришимиз мумкин.

Хуллас, оила мустаҳкамлигида эркак ҳам, аёл ҳам бирдек масъул. Фаросатли кишилар умр йўлдошларининг борини ошириб, йўғини яшириб, агар вазият тақозо қилса, ён беришни ҳам ўрнига қўйиб умргузаронлик қилишади. Шундагина ўзаро ҳурмат-эътибор кундан кунга ошиб бораверади.

Шаҳзода ҲАКИМОВА,
"Hurriyat" мухбири

Булунғур педагогика ва спорт коллежи жамоаси



юртимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган барча матбуот ва ОАВ ходимларини касб байрами муносабати билан муборакбод этади.



Ҳонадонингиз тинч, ижодий ютуқларингиз самарали бўлсин!

Донолик ва нодонлик ҳақида

Айрон — ош бўлмас,
Нодон — бош бўлмас.

***

Ақл бозорда сотилмас.

***

Ақли калта панд ейди.
Ақли тийран қанд ейди.

***

Ақлнинг ўлчови — идрок.

***

Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон.

***

Аҳмоқнинг ўзи билмас,
Билганнинг сўзига кирмас.

***

Доно айтса — эл айтгани.
Элнинг ғамин еб айтгани.

***

Кўп юргандан сўрама,
Кўп билгандан сўра!

***

Отинг борида йўл тани,
Ақлинг борида эл тани!

***

Тил — ақл тарозуси.

***

Эсарнинг эртаси кўп.

«АГРОБАНК» ОАТБ

AGROBANK

Истиқлол солномасини битаётган фидойи журналистлар, ноширлар ва матбаачиларни

27 июнь – матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан муборакбод этади.

Машаққатли, айни дамда шарафли ишингизда сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин!



“Микрокредитбанк”

MIKROKREDITBANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиздаги барча ижод аҳлини 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан муборакбод этади!

Мустаҳкам оила йили муносабати билан “МИКРОКРЕДИТБАНК” очиқ акциядорлик тижорат банки юртдошларимизга, мижозларга ҳар бири ўзига хос имтиёз ва қулайликларга эга бўлган, юқори фоизли “ОИЛА ҚУВОНЧИ”, “ИШБИЛАРМОН”, “ШОДИЁНА”, “БАРКАМОЛ АВЛОД” сингари жами 25 турдаги омонат турларини таклиф этади!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 273-28-11, 273-05-87, 150-56-28



“МИКРОКРЕДИТБАНК” — ҲАР БИР ОИЛА МАДАДКОРИ

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти 2012 йил 31 июль куни очиқ аукцион савдосини ўтказади

Савдога Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Кучлик станцияси, Бобур кўчаси, 58-уйда жойлашган «Кучлик нефть базаси» УК балансидаги 1995й.и/ч, д/р 10/366ААА, бошланғич нархи 1 123 700 сўм бўлган «ВАЗ 21063»; 2007й.и\ч, д\р 10/690FAA, бошланғич нархи 5 549 500 сўм бўлган «ВАЗ 21214-126-20» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси балансидаги д\р 10АХ772 бўлган «ГАЗ-31029» — 1 610 000 сўмга; д\р 10АХ 708 бўлган «ГАЗ-31029» — 1 690 000 сўмга; Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекциясининг д\р 01/705DBA бўлган «Нексия» — 13 800 000 сўмга; Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг д\р 01/780GAA бўлган «ГАЗ 3110» — 5 790 000 сўмга; Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси балансидаги 3 та «Нексия» д\р 01/460 DBA — 8 910 000 сўмга; д\р 10 AP 916 — 8 720 000 сўмга; д\р 01/880 VAA — 6 600 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармасининг уй-жой коммунал ва меҳмонхоналар хўжалиги балансидаги д\р 01/513PPP бўлган «ГАЗ-3102-311» — 3 020 000 сўмга; Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги давлат фельдъегерлик хизматининг д\р 01/427 ZBA бўлган «Нексия» — 7 250 000 сўмга ҳамда д\р 01/428 ZBA, 01/429 ZBA, 01/430 ZBA бўлган 3 та «Дамас» — 5 750 000 сўмдан сотилганлигини маълум қилади.

САМАРҚАНДЭКСПЕРТИЗА ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча қалам аҳлини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин юракдан табриклайди. Ҳақиқат, адолат ва холислик ҳамиша иш фаолиятингизнинг мезони бўлсин!



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайдя УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Бобур МУҲАММАДИЕВ**

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

Адади: 10737 Буюртма — Г-655 12 45